
300 НАФАРДАН ЗИЁД ДАСТУРЧИ ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРАЁТГАН ФАРФОНА ШАХРИДАГИ “DAVR-RU” ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖОРИЙ ЙИЛДА З МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ИТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ АМАЛГА ОШИРДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Фарфона шаҳридаги кичик ва ўрта бизнес учун веб-сайтлар ҳамда дастурий таъминот дастурлари ишлаб чиқувчи “DAVR-RU” хусусий корхонаси фаолияти билан танишди.

Шерзод Парпиев раҳбарлигидаги ушбу корхона асосан хорижий бозорлар учун ахборот технологиялари (IT) маҳсулотлари ишлаб чиқиш билан шуғулланиб, веб-сайтлар ва платформалар ишлаб чиқиш, SMM хизматлари, лойиҳаларни бошқариш ва техник қўллаб-қувватлаш, хостинг ва аудит хизматлари, веб-сайтларни техник синовдан ўтказиш ва хулосалар бериш, маркетинг каби йўналишларда фаолият олиб боради.

IT Park резиденти бўлган корхонада жорий йилда 3 миллион долларлик IT маҳсулотлари экспорти амалга оширилди.

300 нафардан зиёд дастурчи фаолият олиб бораётган корхонада ҳозирги кунда бир ойга 1000 тага яқин веб-сайтлар яратилмоқда.

Корхона раҳбари билан мулоқот қилган вилоят ҳокими, лойиҳани кенгайтириш ҳамда янги хорижий бозорларга кириб бориш бўйича ўз фикрларини билдириди, бу борада корхонани ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини маълум қилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-12-28 17:08:05